

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**КУШАРБАЕВ ДЖАНИБЕК УРАЛБАЕВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ  
ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган - 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Кушарбаев Джанибек Уралбаевич**

Малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини  
ривожлантириш механизмини такомиллаштириш ..... 3

**Кушарбаев Джанибек Уралбаевич**

Совершенствование механизма развития инновационного потенциала  
педагогических кадров в процессе повышения квалификации..... 25

**Kusharbaev Djanibek Uralbayevich**

Development of the innovative potential of the teaching staff of higher educational  
institutions in the process advanced professional training ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**КУШАРБАЕВ ДЖАНИБЕК УРАЛБАЕВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ  
ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped 230 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шаропов Шамсиддин Шаропович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Эркабаева Нигора Шариповна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "22" декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12, факс: (+99869) 227-07-61, e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2020 йил "09" декабрь куни таркатилди.  
(2020 йил "09" декабрь даги 4 рақамли реестр баённомаси).



**С.Т.Тургунов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**И. И.Солиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

**Т.А.Эгамбердиева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида педагог кадрларнинг касбий ўз-ўзини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлар асосида уларнинг узлуксиз малакасини ошириш, касбий малакаларни ривожлантириш тизимида супервайзерлик, профессионал тренинглар, модулли ва коллаборатив технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, инновацион салоҳиятни ривожлантириш мақсадида педагог кадрларнинг ижодий фикрлаш лаёқатини, ўз устида мустақил ишлаш, мустақил таълим олиш, ўз-ўзини мустақил таҳлил қилиш қобилиятларини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Педагог кадрларда инновацион салоҳиятни мунтазам ривожлантириб бориш Нидерландия, Япония, Лихтенштейн, АҚШ, Белгия, Германия, Канада каби давлатларда касбий фаолиятнинг мажбурий компоненти сифатида белгиланган.

Дунёда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини оширишнинг “анаънавий”, “янги” ва “аралаш” моделларининг уйғунлигини таъминлаш, малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, малака оширишнинг муқобил шакллариининг самарадорлигини баҳолаш, мақсадли малака оширишнинг вариатив дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, педагог кадрларда инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг андрагогик моделини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион фаоллигини ошириш, инновацион таълим муҳити шароитида уларда прогностик ва рискологик компетентликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда узлуксиз малака ошириш жараёнларини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини кенгайтириш, педагог кадрларнинг рақобатбардошлигига эришиш ва инновацион фаолиятга тайёрлаш сиёсати изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллариини вариатив ва бир бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этишни таъминлашга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини

ошириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш, интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимларидан Н.Азизходжаева, А.Арипджанова, У.Бегимкулов, А.Джураев, М.Жуманиёзова, Р.Джураев, Х.Ибрагимов, Ш.Мардонов, С.Турғунов, М.Мирсолиева, Б.Ходжаев, Д.Хидоятова, Т.Шоймардонов, Д.Юнусова, Д.Якубжановалар томонидан таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш, малака ошириш жараёнида педагог кадрларни инновацион фаолиятга тайёрлаш, андрагогик таълимни ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаштиришга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимлари В.Антонюк, А.Бондарева, Ю.Варлакова, Е.Гришина, М.Громкова, В.Делия, М.Денекко, Е.Зеленина, Р.Кассина, И.Колесникова, С.Лавренова, О.Маркевич, Е.Мухамедвалеева, В.Попов, В.Сластенин, А.Хон, Е.Шмелевалар илмий-таълимий муҳитда шахс инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг психологик асослари, янгиликлар киритиш жараёнида юзага келадиган психологик тўсиқларни бартараф этиш, педагог кадрларнинг ижодий салоҳиятини такомиллаштириш, таълим муассасаларида инновацион

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

муҳитни яратиш масалаларини тадқиқ қилишган.

Хорижлик олимлар Р.Бауэр, Т.Бьюзен, М.Додгсон, К.Роджерс, А.Роу, Д.Симонтон педагог кадрларнинг ижодий, инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг фалсафий, психологик ва педагогик жиҳатлари, инновацион фаолиятни ташкил этиш масалаларини ўрганишган.

Бироқ, узлуксиз малака ошириш тизимида олий таълим муассасаси педагог кадрларининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, педагогик-психологик хусусиятлари, инновацион муҳитни ташкил этишнинг педагогик механизмлари махсус тадқиқ этилмаган. Шунингдек, андрагогик таълимга устуворлик бериш асосида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш модели, малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш зарурати асосланмаганлиги ва педагогик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланиш олиб боришни тақозо этди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-5-42. “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш”, ЁА1-20. “Таълимда инновацион менежментнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш” мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг моҳияти ва тузилмасини аниқлаштириш;

малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмунини ёритиб бериш;

узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш жараёни белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг методлари.** Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига

мувофиқ келувчи анкета, тест, суҳбат, педагогик кузатиш, таҳлилий жадвалларни тузиш, эксперт баҳолаш, моделлаштириш, маълумотларни статистик ва математик таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш тузилмаси инновацион-касбий ривожланиш омилларини (мотивацион, ижтимоий-психологик, валеологик) инновацион таълим муҳити талабларига (инновацион фикрлаш, креатив фаоллик, новаторлик) трансформациясининг интенсивлигини кооперативлик даражаси барқарорлигини кенгайтириш асосида аниқлаштирилган;

малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни узлуксиз касбий таълим жараёнларига рефлексив-ижодий эҳтиёжларга асосланган вариатив-модулли дастурларни киритиш орқали такомиллаштирилган;

узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш моделининг амалий компоненти витаген таълимга асосланган ишбилармонлик ўйинлари, энержайзер тренинглари, жамоавий иждодий иш, веб-квестларни гуруҳий фаолиятни ташкил этишда тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган;

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари методик ишларни тизимли ташкил этиш, касбий ўз-ўзини англаш даражасини мунтазам ошириб бориш, инновацион муҳитни яратиш жараёнларининг яхлит механизм билан ўзаро уйғунлигини таъминлашга қаратилган дидактик фаоллаштиришувчи мажмуанинг реал потенциал билан идентиклигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш тузилмаси, босқичлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш асосида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш модели ишлаб чиқилган;

малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг фанлараро модулли таълим технологиясининг алгоритмик босқичлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг инновацион таълим технологияларига асосланган самарали шакл, метод ва воситалари тизимлаштирилган ҳамда педагогик механизмлари такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича услубий тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва малака ошириш муассасалари билан ҳамкорликда амалиётга татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари



самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти, тузилмаси, компонентларининг очиб берилганлиги, инновацион салоҳиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқлаштирилганлиги, инновацион салоҳият компонентларига мувофиқ келувчи мезон ва кўрсаткичларнинг ишлаб чиқилганлиги, инновацион фикрлашни таркиб топтиришнинг касбий салоҳиятни оширишдаги ўрни ва аҳамиятининг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг фанлараро модулли таълим технологиясини қўллаш алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги, мустақил малака ошириш шаклига устуворлик бериш асосида инновацион салоҳиятини ривожлантириш моделининг такомиллаштирилганлиги, инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларининг аниқлаштирилганлиги, узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш тузилмаси, инновацион-касбий ривожланиш омиллари (мотивацион, ижтимоий-психологик, валеологик) ҳамда инновацион таълим муҳити талаблари (инновацион фикрлаш, креатив фаоллик, новаторлик) трансформациясини таъминлаш бўйича таклифлардан олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2889-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмунига узлуксиз касбий таълим, рефлексив-ижодий эҳтиёжларга асосланган вариатив-модулли дастурларни киритиш билан боғлиқ амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини

ташқил этиш тартиби тўғрисида низом”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2889-сон маълумотномаси). Натижада узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини методик ишларни тизимли ташқил этиш, касбий ўз-ўзини англаш даражасини мунтазам ошириб бориш, янги педагогик ғоя, технология, лойиҳаларни умумлаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган инновацион муҳитни яратиш жараёнларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида аниқлаштиришга доир тавсиялардан ЁА1-20. “Таълимда инновацион менежментнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш” (2014–2015 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2889-сон маълумотномаси). Натижада педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш жараёнларини тизимли бошқариш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 154 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш долзарб муаммо эканлиги, инновацион салоҳиятнинг тузилмаси: моҳияти ва компонентлари, инновацион фикрлаш педагог кадрларнинг касбий салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида инновацион омил масаласини ўрганиш ҳозирги кунда энг катта илмий қизиқиш уйғотган илмий муаммолардан бири бўлиб, мазкур муаммо таълим тизими олдида турган долзарб масалалар билан ҳамоҳангликда ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёни билан узвийликда ўрганилди ва таҳлил этилди. Шунга кўра, таълимда инновация масаласи унинг кенг тармоқли ва моҳиятли амалий фаолиятини ўз мазмунига қамраб олган йўналишлардан бирига айланди. Уларда мамлакат таълим тизимидаги туб ўзгаришлар ва қайта шакллантириш жараёнлари ўрганилди. Мазкур ўзгаришлар таълим тизимини янги мазмундаги босқичларга ажратиш, инновацион йўналишлар, янги мутахассислик ва соҳалар киритиш, таълим тизимини узвийлик ва узлуксизликда ривожлантириш, унинг замонавий педагогик шакл, восита ва усуллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳолда ривожлантириб борилмоқда.

Инновация масаласига доир хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, “шахс инновацион салоҳияти” атамасига мурожаат қилиш ХХ асрнинг 50 йилларида бошланган бўлиб, америкалик социолог Х.Барнетнинг 1953 йилда ёзилган “Инновация: маданий ўзгаришлар асоси” деб номланган монографиясида қўлланилган.

Педагогикада салоҳият масаласи шахс ижодкорлиги билан боғлиқликда Д.К.Симонтон, А.Дж.Роу, К.Роджерс, Е.П.Ильин, Б.Р.Адизов, Ш.С.Шарипов, А.Р.Арипджанова, Д.Б.Якубжанова ва бошқаларнинг илмий изланишларда таҳлил этилган. Мазкур тадқиқотлар натижалари бизга “ижодий салоҳият” ва “педагогнинг инновацион салоҳияти” тушунчалари ўртасидаги ўхшашлик ҳамда фарқларни мантиқий асослаш имкониятини тақдим этди.


Назарий маълумотлар таҳлили “педагог кадрларнинг инновацион салоҳияти” тушунчасининг моҳиятини янада аниқроқ очиб бериш заруриятини кўрсатди.

Биз педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини педагогик фаолият жараёнида амалга ошадиган инновацион билим, кўникма, тажриба ва захира интеллектуал қобилиятларнинг мотивацион-қадриятли жиҳатлари мажмуини ўзида акс эттирадиган ҳамда инновацияларни қўллаш имкониятини тақдим этувчиси интеграл касбий-шахсий тавсифи сифатида талқин қилдик.

Кўпчилик муаллифлар инновацион салоҳият тузилмасининг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатишган: шахсий, мотивацион-қадриятли ва фаолиятга доир. Инновацион салоҳият тузилмасини бундай тарзда тушуниш унинг статик ҳолатини ифода этади. Бизнингча, муаллифлар потенциал инновацион имкониятларни ривожлантиришни ҳисобга олмайдиган, ривожланиш таълим муассасасининг ташқи инновацион муҳити билан боғлиқликда кўриб чиқилмаган алоҳида ўзига хосликларини очиб бермайди.

В.Н.Марковнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни қайд этиб ўтиш мумкинки, касбий салоҳият бир томондан ўзида педагогик фаолиятда реал, ҳаракатдаги касбий қобилиятларни, бошқа томондан ҳали юзага чиқмаган касбий хусусиятлар ва ички ресурсларни акс эттиради.

Инновацион фаолиятнинг моҳияти ва мазкур масала ечимига қаратилган мулоҳазалар таҳлилидан келиб чиқиб биз инновацион салоҳият интеграл тавсифга эга тушунча эканлигини англаймиз, унинг асосий таркибий қисмлари сифатида реал ва реаллашмаган потенциаллар, педагогик фаолиятда муҳим ўрин тутадиган касбий билим, кўникма ва малакалар, касбий фаолият тажрибаси, мотивлар, кадриятлар, ижодий қобилиятлар акс этади ҳамда буларнинг барчаси таълим муассасасининг инновацион муҳити, яхлит таълим тизими билан бевосита боғлиқдир (1-расмга қаранг).



**1-расм. Педагог кадрларнинг инновацион салоҳияти тузилмаси**

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш ички ресурслар, касбий сифатлар, инновацион имкониятни рўёбга чиқариш учун муҳим шарт-шароит саналган таълим субъектларининг ҳамкорликдаги фаолиятини талаб этувчи мақбул ташқи муҳитни қарор топтиришни талаб этади.

Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятининг моҳиятини очиб бериш бўйича назарий таҳлил асосида шуни қайд этиш мумкинки, мазкур муаммо анча мураккаб, кўп аспекти бўлиб, уни тадқиқ этишни давом эттиришни тақозо этади. Жумладан, педагог кадрларнинг инновацион фаолиятининг назарий асосларини тадқиқ қилиш билан бирга, мустақил малака ошириш жараёнида ташқи таъсир воситасида педагогик фаолиятда педагог кадрлар инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг андрапедагогик шарт-шароитларини тадқиқ этишга алоҳида зарурат мавжуд.

Диссертациянинг **“Малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида малака ошириш жараёнида

педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш модели ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарори асосида тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялари асосида минтақавий ва тармоқ марказлари ўқув режасига айрим тузатишлар ва ўзгартиришлар асосида умумий ўқув модуллари киритилди ва уларнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Мазкур модулларга доир ўқув материалларини танлашда асосий эътибор педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга қаратилди:

1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.
2. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.
3. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий-касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.
4. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.
5. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Модулли таълим технологиясини қўллашга доир тажрибаларни таҳлил этиш асосида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришда “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модулини ядро сифатида қабул қилиш ва уни бошқа умумий ўқув модулларининг (“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалишида олий таълимнинг вазифалари”, “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий-касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари”, “Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари”) имкониятларини билан интеграциялаш асосида фанлараро модулли таълим технологиясини қўллаш алгоритми ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг). Мазкур фанлараро модулли таълим технологиясини қўллаш алгоритми педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги, хулқ-атвори, бадиий-эстетик тарбияси, шахснинг бундай жиҳатларига жадал таъсир кўрсатиши мумкин бўлган “асоси” вазифасини бажарувчи инновацион салоҳиятни ривожлантиришда ўз аксини топади. Шубҳасиз, бундай таъсир педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларидаги ўқув модулларини ўз ичига қамраб олувчи фанлараро модулнинг таркибий қисмларида амалга ошади.

Фақат шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, малака ошириш жараёнида ташкил этиладиган назарий ва амалий машғулотлар ҳатто замонавий талаблар асосида, ноанъанавий изланишли-тадқиқотчилик, ижодий шаклда ўтказилганда ҳам педагог кадрларнинг инновацион

салоҳиятини ривожлантиришни етарлича чуқур ва амалий йўналтирилган тарзда амалга ошириш имконини бермайди. Ана шу жиҳатларни, бундан ташқари педагог кадрларнинг рефлексив фаолиятга эҳтиёж сезишини ҳисобга олиб, уларни умуммаданий, касбий ва ижтимоий доирада ривожланишига имкон берувчи мустақил малака ошириш жараёнида инновацион салоҳиятни тизимли ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ.

### 1-жадвал

#### Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришда фанлараро модулли таълим технологиясини қўллаш алгоритми

Модул	Машғулот мавзуси	Машғулот шакли	Соат	ИСРга доир ўЭ
ПИФР	Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари	Назарий	2	Таълим сифатини оширишда педагог кадрларнинг инновацион фаолияти
	Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув	Амалий	2	Педагогнинг мустақил касбий ўзини-ўзи ривожлантириш стратегиялари
	Инновацион таълимда илгор хорижий тажрибалар интеграцияси	Амалий	2	Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси
	Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришига акмеологик ёндашув	Амалий	2	Акмеологик ривожланиш даражалари: концептуал, технологик, рефлексив, креатив ва инновацион даража
ЎМТМ ЮБОТВ	Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси	Назарий	2	Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси
ЭПА ва ПШКАМЛ	Ахборот-коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари	Назарий	2	Шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари
	Педагогик дастурий воситалардан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш	Амалий	2	Мультимедиали ўқув курсларини яратиш
	Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ахборот тизимлари асосида такомиллаштириш	Амалий	2	Медиакомпетентлик
АХТ ўИУ	Интернет ёрдамида ўқитиш (Teaching with the Internet)	Амалий	2	Интернет саҳифалари
	Таълим (Education)	Амалий	2	Кооператив таълим
ТЖБТТ ва ҚҚҚЗТ	Таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, турлари	Назарий	2	Қарорга қўйиладиган талаблар ва тамойиллар
	Қарорнинг шаклланиши ва уни қабул қилиш босқичлари	Амалий	2	Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари

Биз тадқиқотимизда модел тушунчасини бирор-бир объект, жараён ёки ходисанинг “ўрнини тўлдирадиган” ёки “намоён этадиган” фикрий ёки шартли аналог сифатида талқин қилдик.

Маълумки, турли моделлар ва тизимларни ишлаб чиқиш учун методологик ёндашувлар, оддийроқ қилиб айтганда, илмий назариялар асос вазифасини бажаради. Замонавий илм-фан методологик умумлашма сифатида кўплаб ёндашувлар билан тавсифланади. Тадқиқотимиз натижалари педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришда тизимли, фаолиятга доир, синергетик, аксиологик, акмеологик ва андрагогик ёндашувларнинг методологик имкониятлари юқори эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот доирасида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий компонентлари сифатида мақсадга йўналтирилган, мазмунли, фаолиятга доир ва натижавий таркибий асослар танлаб олинди. Моделни амалга оширишнинг асосий босқичлари сифатида пропедевтик, мотивацион-моделлаштириш ва ривожлантириш белгиланди.

Моделнинг биринчи – мақсадга йўналтирилган компонентининг асосий моҳияти педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш жараёнининг асосий йўналишини аниқлаш, кўзда тутилган натижаларга эришишни лойиҳалаш учун дастлабки асосни белгилаб олишдан иборат.


Моделнинг иккинчи компоненти – мазмунли. Мазкур компонент педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришни кўзда тутувчи узлуксиз малака ошириш мазмунини ўзида акс эттиради. Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни қуйидаги элементларни ўз ичига олади: инновацион фаолиятни онгли ва юқори савияда амалга оширишга ёрдам берадиган илмий билимларни ўзлаштириш; инновацион фаолиятни амалга ошириш метод ва усуллари; инновацион иш натижаларини таҳлил этиш ва баҳолаш йўллари.

Моделнинг учинчи компоненти – фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш жараёнида фойдаланиладиган шакл, метод ва воситаларни аниқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотимизда педагог кадрнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий шакллари сифатида методик иш шаклларида фойдаланилди. Методик ишларнинг индивидуал шаклларига қуйидагилар киритилди: индивидуал маслаҳат, мустақил таълим, индивидуал методик мавзулар устида ишлаш. Методик ишларнинг гуруҳий шакллари сифатида вебинарлар, илмий-амалий семинарлар, маҳорат дарслари, тренинглар, муаммоли мавзудаги семинарлар, методик ишланмалар танловлари, назарий семинарлар, вақтинчалик ижодий гуруҳлар ишида иштирок этиш кабилар танлаб олинди.

Моделнинг тўртинчи компоненти – натижавий деб номланган бўлиб, мазкур компонент педагог кадрлар инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг оралиқ ва якуний натижаларини аниқлаб беради.

Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш модели 2-расмда келтириб ўтилган.



**2-расм. Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш модели**



Тадқиқотда педагогик шарт-шароит деганда онгли яратиладиган педагогик муҳит ва аниқ педагогик вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ўқитиш мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг объектив имкониятларини назарда тутдик. Шунинг учун педагогик шарт-шароитнинг ўзи тадқиқ этилаётган жараён моделини амалга ошиши махсус ташкил этилган маълум бир муҳитда юзага келади. Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг шарт-шароитларини асослашда “шарт-шароит” тушунчасининг моҳияти тўғрисидаги методологик ва илмий-назарий қоидалар ҳамда муаммога доир тадқиқот ишларига таянилди.

Тадқиқот доирасида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

инновацион фаолиятни ташкил этишнинг замонавий тамойиллари ва ёндашувларини ҳисобга олиб, инновацион салоҳиятни ривожлантириш дастурлари асосида педагог кадрлар билан методик ишларни ташкил этиш;

педагог кадрларнинг касбий ўз-ўзини англаш даражасини мунтазам ошириб боришга амал қилиши;

янги педагогик ғоя, технология, лойиҳаларни умумлаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган инновацион муҳитни яратиш.

Биринчи педагогик шарт-шароитда педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва узлуксиз малака ошириш жараёнида мақсадга йўналтирилган методик ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бизнинг тадқиқотимизда инновацион салоҳиятни ривожлантириш дастури деганда инновацион фаолиятни амалга оширишда педагог кадрларнинг билим, кўникма ва тажрибаларини такомиллаштириш, шунингдек, қўшимча интеллектуал имкониятларни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Тадқиқот доирасида қатор вебинар семинарларни ўтказиш дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Вебинар семинар дастурлари методик ишларни ташкил этиш учун хизмат қилади. Методик иш шакллари танлаш дастурни амалга оширишнинг аниқ шарт-шароитлари билан боғлиқ. Шу билан бирга инновацион салоҳиятнинг ўзига хослиги ва унинг ривожланиш механизмини ҳисобга олган ҳолда бизнинг методик ишлар тузилмасида эвристик, эвристик-продуктив ва продуктив шакллар етакчи ўрин тутди.

Шундай қилиб, биринчи педагогик шарт-шароитнинг моҳияти шундаки, педагог кадрларнинг назарий қарашларини ва инновацион фаолиятни амалга ошириш усулларини ўзлаштиришни қўллаб-қувватлашда намоён бўлади. Бу эса педагог кадрларни инновацион ишга жалб этишга имкон беради ҳамда инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг самарали омили сифатида хизмат қилади.

Иккинчи шарт-шароит педагог кадрларнинг касбий ўзини-ўзи англаш даражасини мунтазам ошириб боришга амал қилишини кўзда тутди. Шунинг учун педагог кадрларда ғурур ҳисси, инновацион фаолиятга қадриятли ва мотивацион йўналганликни шакллантиришни талаб этади.

Шунинг учун тадқиқотда мазкур шарт-шароитнинг моҳиятини очиб бериш учун “ўз-ўзини англаш” ва “касбий ўз-ўзини англаш” тушунчаларига тўхталиб ўтилди.

Ўзини-ўзи англаш жараёнининг тузилмасига мувофиқ равишда педагог кадрларнинг касбий ўзини-ўзи англаш тизимининг асосий уч компоненти белгилаб олинди: когнитив, аффектив ва хулқ-атворга доир.

Республикамиз ва хорижда ишлаб чиқилган ўзини-ўзи англашнинг ривожланишини рағбатлайдиган методлар билан танишиб, педагог кадрлар билан ишлашда кўпроқ қулай, конструктив, тез таъсир кўрсатувчи иш шакллари билан бири ўз ичига махсус психотерапевтик ва психокоррекцион техника, ишчанлик ва ташкилий-бошқарув ўйинлари, гуруҳий қарорлар қабул қилишнинг мунозарага асосланган методларини қамраб олувчи касбий ўзини-ўзи англашни ривожлантириш бўйича махсус ташкил этилган тренинг эканлиги ҳақидаги хулосага келинди.

Бундай тренингларнинг асосий вазифалари касбий ўзини-ўзи англашнинг барча компонентларини ўзида акс эттиришидир:

когнитив (ўзи, ўзининг шахс ва касб эгаси сифатидаги “Мен қиёфаси”га доир билимларни ажратиш, аниқлаштириш ва кенгайтириш);

аффектив (ўз-ўзига ижобий муносабатни таркиб топтириш, ўзининг имконияти ва салоҳиятини тўғри баҳолай олиш);

хулқ-атворга доир (ўзаро биргаликдаги ҳаракат ва мулоқотнинг аниқ вазиятларида шахсий “Мен-концепцияси”ни мустаҳкамлаш, самарали ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини ишлаб чиқиш).

Учинчи педагогик шарт-шароит янги педагогик ғоялар, технология ва лойиҳаларни бирлаштириш ва амалга оширишни таъминлашга хизмат қилувчи инновацион муҳитни яратиш билан боғлиқдир.

Манбалар таҳлили инновацион муҳит уч асосий жиҳатни ўзида акс эттиришини кўрсатди: ижтимоий-иқтисодий, психологик ва ташкилий-бошқарувга доир. Учала жиҳат ҳам ҳам инновацион жараёнлар боришининг турли шарт-шароитларини тавсифлайди, умумий олганда ижтимоий-психологик муҳит ё ижобий таъсир кўрсатади, ёки уларнинг пайдо бўлиши ва амалга ошишига тўсқинлик қилади. Шуниси аниқки, бизнинг тадқиқотимиз учун бундай муҳитнинг инновацион жараёнларни амалга ошишига самарали таъсир кўрсатишига эришиш муҳим саналади.

Маълум бўлдики, мазкур шарт-шароитнинг моҳияти инновацион фаолиятнинг барча субъектларига инновацион муҳитнинг ижобий таъсир этишига эришиш; инновацион фаолиятни амалга ошириш учун мақбул шароит яратиш; педагог кадрларнинг турли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжини рағбатлантиришда ўз ифодасини топади.

Тадқиқот доирасида малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, модели ва педагогик шарт-шароитларини лойиҳалаш орқали мазкур фаолиятни амалга оширишнинг такомиллаштирилган механизми ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



**3-расм. Малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш механизми**

Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш механизми профессор-ўқитувчиларнинг юқори ўқув, илмий-тадқиқотчилик, амалий фаоллигини таъминлайди ҳамда таълимий, илмий ва амалий фаолиятни интеграциялаш имконини бериб, касбий тайёргарлик мазмунини ўз вақтида янгилаб бориш, шахсий эҳтиёжларни мунтазам мониторинг қилиб бориш ҳисобига ресурсларни мақсадли йўналтириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини уч ўзаро алоқадорликка эга таркибий асостга таянмасдан амалга ошириб бўлмайди: тармоқ технологиялари орқали ҳамкорликдаги фаолиятни самарали амалга ошириш; педагог кадрларнинг инновацион фаоллигини рағбатлаш; малака ошириш жараёнида тингловчиларининг илмий-тадқиқотчилик ва амалий фаолиятини жадаллаштириш.

Диссертациянинг **“Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишлари мазмуни ва ташкил этиш методикаси ҳамда уларнинг натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида белгиланган тажриба-синов ишларининг мақсади узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш моделининг самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни текширишдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда педагогик тажриба-синов ишларининг қуйидаги вазифалари аниқлаштирилди: узлуксиз малака ошириш жараёнининг инновацион йўналтириш орқали педагог кадрларда инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолатини аниқлаштириш; тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган назарий қоидаларни тажриба орқали текшириш; узлуксиз малака ошириш жараёнида педагог кадрларда инновацион салоҳиятни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тажриба-синов ишлари 2016-2019 йилларда учта минтақавий малака ошириш марказ базасида ташкил этилди: Бухоро давлат университети, Фарғона давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги минтақавий марказлари.

Белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: асословчи, шакллантирувчи ва умумлаштирувчи.

